



THE NEED TO DEVELOP TOURISM UNDER ADMINISTRATIVE UNITS

Musurmanov Nurbek Ummatkul oglu

Gulistan State University, Gulistan, Uzbekistan

Nigmatov Askar Nigmatovich

Gulistan State University, Gulistan, Uzbekistan

Annotation

Decree of the president of the Republic of Uzbekistan "on the strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan" was adopted on February 7, 2017 in order to further increase the effectiveness of the reforms carried out in the country, create conditions for the rapid development of the state and society, modernize our country and implement priority directions. As the application of this decree, a strategy of action on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan was developed in 2017-2021. The second paragraph of the third line of this decree is directly aimed at the rapid development of the tourism industry, increasing its role and share in the economy, diversification and quality improvement of tourist services, tourism infrastructure.

Keywords. Tourism, Tourism Development, recreational tourism, tourists, sports adventure, exotic, ecological.

Анотация

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш юзасидан устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йилнинг 7 февраляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони қабул қилинган. Ушбу фармоннинг иловаси сифатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган. Мазкур фармоннинг учинчи йўналишининг иккинчи банди бевосита туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузулмасини кенгайтиришга қаратилгандир.

Калитсўзлар. Туризм, Туризмни ривожлантириш, Рекреацион туризмни, сайёҳлар, спортсаргузашт, экзотик, экологик.

Аннотация

Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" был принят 7 февраля 2017 года в целях дальнейшего повышения эффективности проводимых в стране реформ, создания условий для ускоренного развития государства и общества, модернизации нашей страны и реализации



Website:

<https://wos.academiascience.org>



WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL

SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSN: 2776-0979 (Volume 2, Issue 5, May, 2021)

приоритетных направлений. В рамках реализации данного указа была разработана стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы. Второй абзац третьей строки настоящего указа непосредственно направлен на ускоренное развитие туристической отрасли, повышение ее роли и доли в экономике, диверсификацию и повышение качества туристических услуг, туристской инфраструктуры.

Ключевые слова. Туризм, Развитие туризма, рекреационный туризм, туризм, спортивные приключения, экзотика, экология

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хизмат қўрсатиш соҳаларини ҳам жадал ривожлантириш зарурати тобора ортиб бормоқда. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган кенгайтирилган мажлисида маърузасида ушбу масала хусусида алоҳида тўхталиб ўтганди. Жумладан, мамлакатимизда туризм индустриясини тараққий эттириш борасида сўз юритаётуб, “Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражадаги эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва энг муҳими, натижали равища тўғрилаш керак. Биз ҳозир фақат туризмни ривожлантириш билан шуғулланадиган тузилмага доир масалаларни тасдиқладик. Бу чоралар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарур” деган эди.

Ушбу амалий ишларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида» ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони қабул этилди. Ушбу фармоннинг ижорси сифатида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишда унинг ролини кучайтириш, кириш ва ички туризмни ривожлантиришни бош мақсад этиб қўйди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармонлари ва 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда Виза тизимининг ислоҳ этилиши, жумладан, 2019 йилдан бошлаб 45 давлатга визасиз тизимнинг жорий этилиши (электрон виза тизими ҳамда таълим туризмига оид “Studentviza”, “Academicviza” виза турлари) Ўзбекистонда туризм индустриясини янада ривожланишига йўл очиб берди.



Website:

<https://wos.academiascience.org>

922



WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL

SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSN: 2776-0979 (Volume 2, Issue 5, May, 2021)

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда 6 миллион 700 мингдан ортиқ туристлар ташриф буюрган. Мазкур соҳани янада ривожлантириш мақсадида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепцияга кўра 2025 йилга келиб хорижлик сайёхлар сонини 9-10 миллион нафарга ошириш, турли кўргазмалар, танловлар ўтказиш, Ўзбекистонни фестиваллар мамлакатига айлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, рекреацион туризм борасида Ўзбекистон Республикаси улкан салоҳиятга эга бўлиб, бу борада сайёхлар, зиёратчилар ва тиббий муолажа олмоқчи бўлганлар учун қизиқарли бўлган кўплаб тарихий ва маданий мероси, даволаниш масканлари билан дунёга машхур. Мавжуд тарихий ва маданий меросни асрап ва келажак авлодга етказиш борасида Республика миқёсда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Рекреацион туризмни ривожланишига эътибор қаратар эканмиз аввало бу давлатнинг географик жойлашуви ва имкониятлари билан бевосита боғлиқдир. Туризм соҳасининг энг сердаромад соҳаси бўлган рекрацион туризмни ривожлантириш борасида катта ютуқлар қўлга киритиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда жуда кўп туристлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга борганда албатта ўша мамлакатдаги мавжуд маданий-тарихий обидаларни томоша қиласди, санаторияларда тиббий муолажалар олади, шунинг эвазига у дам олади, ҳордиқ чиқаради. Бундан ташқари, туристларни мамлакатларнинг табиати, маданий-тарихий обидалари қизиқтирибгина қолмасдан балки ушбу мамлакатдаги машхур даволаниш марказлари, илмий марказлар, савдо марказлари, спорт марказлари, мавсумий товарларни сотиши, байрамлари ҳам қизиқтиради.

Рекреацион туризмни кўриб чиқадиган бўлсак бу туризмнинг асосий мақсади дам олиш, даволаниш ва бошқа соғломлаштириш мақсадларидан иборат. У бўш вақтни тўлдириш учун сайдр-тomoша ва турли хил спорт машғулотларини таклиф этади. Баъзи асосларга кўра унга туризмнинг экспурсия, ихтисослашган, таълимий, спорт, саргузашт, экзотик, экологик турлари ҳам қўшилади. Эксурсия туризми билим ортириш туризмининг кўпроқ оммалашган турларидан бири ҳисобланади. У туристик диққатга сазовар жойлар билан танишиш мақсадида амалга оширилади (тарихий ёдгорликлар, архитектура обидалари ва санъат бошқ.).

Туризмнинг маҳаллий аҳоли ҳамда хорижий фуқороларнинг мазкур мамлакат(минтаقا)ларнинг тарихи, тарихий архитектура обектларлари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари бўйича интеллектуал салоҳиятини ошириши, уларнинг дам олиш, даволаниши билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётiga бевосита ижобий таъсир этиб келмоқда. Туризм иқтисодиёт, жамият ҳамда табиат билан ҳамоҳанг тарзда ривожланади.

Эксурсия маршрутлари одатда бир неча шаҳарлардан ўтади ва энг машхур ёдгорликлар билан танишиш имконини беради. Бунга Германия бўйлаб ном қозонган: Кёльн-Бонн – Дюсельдорф-Франкфурт-на-Майн-Нюренберг-Мюнхен. Италия бўйлаб: Рим-Венеция-Флоренция йўналишларини кўрсатиш мумкин.

Бундай кўринишдаги туризмни ривожлантириш учун, ҳам Марказий Осиёда ҳам Ўзбекистонда етарли имкониятлар мавжуд. Ҳозирда Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби кўпгина йирик шаҳарларини бугунги кунда туристларсиз тасаввур қилиш қийин.



Website:

<https://wos.academiascience.org>

923



WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL

SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSN: 2776-0979 (Volume 2, Issue 5, May, 2021)

Марказий Осиё маъмурий бирликлар доирасида туризм соҳасини тахлил қиласиган бўлсак, Европа минтақаси таркибига кирувчи (УНВТО бўйича) Марказий Осиё давлатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон) да ҳам туризм мустақилликдан сўнг энг тез ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. 2019 йилда Марказий Осиё давлатлари ЯИМ нинг 12,6 млрд доллар (5,2 %) хисса қўшган бўлса, 1,4 млн киши (5,3 %) аҳолини иш билан таъминланди. Бундан ташқари жами экспортнинг 4,3 % яъни 5,1 млрд доллари туризм хиссасига тўғри келади.

Марказий Осиё ўзининг гўзал манзаралари, ажойиб меъморчилиги, мафтункор тарихи ва қадимий ипак йўллари бўйлаб саёҳатлари билан ҳамма ўзига жалб эта олади. ЮНЭСКО нинг жаҳон моддий ва маданий мерос объектлари рўйхатига Марказий Осиё давлатларидан 18 та (Қозоғистонда 5 та, Қирғизистонда 3 та, Тожикистонда 2 та, Туркманистонда 3 та) жумладан Ўзбекистон ҳудудида 5 та (Хивадаги Ичан Қалъа 1990 йил, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази 1993 йил, Шаҳризабз шаҳрининг тарихий маркази 2000 йил, Самарқанд шаҳри 2001 йил ва Фарбий Тян-Шан 2016 йил) ана шундай туристик обьект жойлашган бўлиб, ушбу ноёб маданий мерос обьектлари, ўзига хос анъаналар, экотизимларнинг хилма-хиллиги минтақа туризм соҳасини ривожлантиришда асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий бирликлари даражасида туризм соҳасини тахлил қилиб, қуидагиларни кўриш мумкин. Ўзбекистонда 8208 та табиий ва маданий мерос обьектлари мавжуд. Улардан 4748 таси археологик, 2250 таси архитектура, 678 таси монументал ва 532 таси дикқатга сазовор жойлардир. Юқоридаги табиий ва маданий мерос обьектлари Ўзбекистон маъмурий-худудий бирликлари бўйлаб қуидагича тақсимланган (1.2.1-жадвал).


Бундан ташқари, республикада 6 та давлат қўриқхонаси, 1 та мажмуя (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, 6 та табиат боғи, 2 та миллий боғ, 11 та табиат ёдгорлиги, 2 та биосфера резервати, 12 та буюртма қўриқхонаси, 1 та Жайрон махсус питомниги мавжуд. Уларнинг умумий майдони 3,521 млн. гектарни ташкил қиласи. Шу билан бирга 100 та музей ва 509 та санатория-курорт муассасалари ва дам олиш ташкилотлари ҳамда бошқа кўплаб сайдёхларни жалб қила оладиган обьектлар мавжуд. Аммо туризм бозори талабини қондириш иқтисодиётнинг ушбу соҳасида инновацион ёндашувни талаб қиласи. **Табиий ва маданий мерос обьектларининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари бўйлаб тарқалиши**



Website:

<https://wos.academiascience.org>

924



Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг аксарият қисми Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент шаҳрига тўғри келади. Бунга сабаб, бу ҳудудларда туристларни ўзига жалб этувчи машхур тарихий архитектура туристик объектларнинг борлиги (Самарқанд, Бухоро, Хоразм) ва сонининг кўплиги (Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро,) билан ифодаланади.

Шуларни инобатта олган ҳолда маъмурий бирликлар доирасида туризмни ривожлантириш нима беради деган саволга:

1) Миллий фойдани яратиш. Туристик товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бошқа тармоқлар ҳамда соҳалар фаолияти билан биргалиқда миллий маҳсулотларни шакиллантиради. Туризмнинг ЯИМда ҳамда мамлакат тўлов балансидаги улуши доимий равищада ўсиб бормоқда шунингдек, туризм бугунги қунда фойдалилиги бўйича нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан кейинги иккинчи ўринда туради (туризмга ихтисослашган мамлакатларда бу тармоқнинг миллий фойдадаги улуши 5- 10%ни ташкил қиласди).

Туризм ЯИМга тўғридан-тўғри тушум қилишидан ташқари, товар ва хизматларга бўлган иккиламчи талабни қондириш билан бирга ўзоро бир-бирига яқин бўлган соҳаларнинг рентабеллигини оширади. Туризмдан келаётган йирик даромадлар мамлакат (минтаقا)га боғлик равищада диференцияцияланади ҳамда 1.2 дан 4 гача тебrаниб туриши мумкин.

2) Янги иш ўринларини ташкил этиш. Туризм фаолиятида меҳмонхона хўжалиги ва овқатланиш корхоналарига, санатория-курорт тармоқларига, туризмнинг давлат ва жамиятни боғловчи бошқа фаолият соҳаларига ишчи кучи талаб қиласди яъни туризм фаолияти аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади. UNWTOнинг маълумотларига қараганда туризм соҳасида яратилган 100 та иш жойи бошқа соҳаларда 150 та иш жойи



яратилишига сабаб бўлади жумладан, савдо, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, банк, суғурта хизматлари ва бошқалар.

3) Давлат бюджетига валюта тушумини таъминловчи манба. Туризм туристик товарлар ва хизматларни импорт шу билан бир қаторда экспорт қилиш жараёнларини амалга оширади. Туристик товар ва хизматларни импорт қилиш жараёнида мазкур давлат иқтисодиётининг актив иккинчи ҳолатда эса пассив тури тўғрисида гап боради. Тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, туристик товарлар ва хизматлар экспорт қилинишида четта чиқарилмайди балки, туристларни қабул қилувчи мамлакатнинг ўзида истеъмол қилинади.

4) Аҳоли фаровонлигини ошириш. Туризм индустряси фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарига ижобий таъсир кўрсатади, маҳаллий инфраструктуранинг ривожланишига имкон туғдиради ва аҳоли яшаш даражаси ҳамда даромадларини оширади.

5) Иқтисодий инфраструктуранинг ривожланишига кўмаклашиш. Туризм соҳасида бошқа тармоқ ва соҳалар фаолиятлари билан боғлиқ равишда хизмат кўрсатиш тармоғини яратиш уларнинг ривожланишини тезлаштиради ҳамда иқтисодиётни диверсификациялаш имконини беради.

6) Минтақавий ривожланишни тенглаштириш. Туризм шу соҳага ихтисослашган минтақа ва мамлактларга миллий фойдани қайта тақсимлаш имкониятини яратади. Туризмни ривожлантириш кўплаб олисдаги аҳолиси кам ва саноати паст даражада ривожланаётган лекин ўзининг табиати, тарихий-маданий обектлари билан ўзига тортадиган мамлакатлар (минтақалар)нинг юқори суръатлар билан иқтисодий ўсишини таъминлайди.

7) Инвестицияларни жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Инвестицияларни жалб қилиш, туризм тармоғининг динамик равишда ривожланиши ҳамда сарфланган маблағларнинг тез ва юқори даражадаги фойдалилигини таъминлайди.

8) Табиий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланишга кўмаклашиш. Айнан ана шу элементлар туризмнинг асосий ресурслар базасини ташкил этиб, туристик хизматлар (маҳсулотлар) сифатининг ўзига хослиги ва жозибадорлигини оширади. Умуман олганда туризм минтақа ва мамлакатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминловчи катализатор вазифасини бажаради. Туризм иқтисодий фаолиятлардан ташқари аҳолининг меҳнат қобилиятларини қайта тиклаш, кенг миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маданий билиш ва жамиятни эстетик ривожлантириш каби қатор ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради деб жавоб бериш мумкин.



WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL

SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSN: 2776-0979 (Volume 2, Issue 5, May, 2021)

Глобаллашув жараёни, халқаро ахборотлар, алоқа, транспорт-логистика ва рақамли иқтисодиёт тизимининг такомиллашуви туризм соҳасини дунёнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириди. Хусусан, халқаро миқёсда туристлар сонининг 3,8 маротаба, улардан тушадиган валюта тушумлари эса 11 маротабага ошиди. Ўзбекистонда ҳам кейинги 4 йил мобайнида туризм соҳасига жуда катта эътибор берила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармонининг 3-йўналишининг 2-банди бевосита туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушкини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузулмасини кенгайтиришга қаратилди. Унинг ижроси учун ўнлаб норматив-хужжатлар қабул қилинди ва улардан ҳар бир маъмурий бирликлар, жумладан Сирдарё вилоятида ҳам туризмни жадал ривожлантириш вазифаси белгиланиб олинди.

Ҳозирга қадар «туризм» тушунчасига берилган таърифлар қўпроқ статистик мақсадларга йўналтирилган масалаларни ечиш воситаси сифатида унинг алоҳида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа жиҳатларини қамраб олувчи, бирмунча тор ихтисослашган. Яна бир таъриф эса концептуал йўналишда бўлиб, у туризмнинг турли хил хусусиятлари ва ўзига хос муносабатларини акс эттирувчи мураккаб ички мазмун ва моҳиятни очиб беришга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам туризмни – шахс(лар)ни бўш вақтларида доимий яшаб турган жойларидан 24 соатдан кам ва 6 ойдан кўп бўлмаган давр оралиғидаҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, маданий, маърифий, касбий, диний, спорт ва бошқа мақсадларда бошқа минтақага ёки давлатга вақтинча яшаш учун жўнаб кетиши ва саёҳатнинг бошланғич нуқтасига қайтиш билан якунланадиган саёҳат, деб қараш мумкин. «Туризм индустрияси» эса инсонларнинг ташриф буюрган давлатларида пул тўланадиган касбий фаолиятдан ташқари исталган мақсадларда вақтинчалик кўчиб юришлари давомида вужудга келадиган талабларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқарувчилар гурӯҳидир.

Республиканинг маъмурий бирликлар доирасида туризмни ривожлантириш орқали: миллий фойдани яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, давлат бюджетига валюта тушумини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодий инфраструктуранинг ривожланишига кўмаклашиш, минтақавий ривожланишини тенглаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, табиий ва маданий ёдгорликлардан самарали фойдаланишга кўмаклашиш имкониятини беради. Туризм иқтисодий фаолиятлардан ташқари аҳолининг меҳнат қобилиятларини қайта тиклаш, кенг миқёсида ишлаб чиқаришни ўйлга қўйиш, маданий билиш ва жамиятни эстетик ривожлантириш каби қатор ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради.



Website:

<https://wos.academiascience.org>

927



WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL

SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSN: 2776-0979 (Volume 2, Issue 5, May, 2021)

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

- 1) “Taqnidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak”. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasi. 2017 yil 14 yanvar.
- 2) <https://lex.uz>
- 3) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4-октабрдаги 846-сонли қарорига 1-илова
- 4) <https://www.uznature.uz>
- 5) <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
- 6) Musurmanov N.U., Guliston davlat universiteti 2-kurs magistranti, Guliston sh., O’zbekiston.
E-mail: nurbekmusurmanovo90@gmail.com
- 7) Nigmatov A.N., Guliston davlat universiteti professori, geografiya fanlari doktori, Guliston sh., O’zbekiston. E-mail:nigmatov_an@mail.ru



Website:

<https://wos.academiascience.org>

928